

Ҳоким ёрдамчилари фаолияти: Медиа тур

Ҳоким ёрдамчилари фаолияти: Медиа тур



Бугун, 24 январ куни Музработ тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Саъдулла Холниёзов иштирокида “Ҳоким ёрдамчилари фаолияти: Тадбиркорликни йўлга қўйиш ва камбағалликни қисқартириш бўйича йўлга қўйилган ишлар” мавзусида навбатдаги медиа тур ўтказилди.

Унда журналистлар, блогерлар, ижтимоий тармоқ фаоллари, соҳа мутахассислари ҳамда тумандаги 37 маҳаллада фаолият олиб бораётган ҳоким ёрдамчилари иштирок этишди.

Медиа тур аввалида туман ҳокимлиги мажлислар залида туман ҳокимининг ўринбосари С.Холниёзов томонидан ҳоким ёрдамчилари томонидан бажарилган ишлар, келгусидаги режалар бўйича ҳисоботи тингланди. Қизиқарли савол-жавобларга бой ўтган медиа тур иштирокчилари туманнинг “Юртим жамоли” маҳалласида тадбиркорлар фаолияти билан танишди.

